**Ушбу сонда:**
2 ЭНГ МУҲИМИ ОДАМЛАР ИШОНЧИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 31 июл, шанба № 123 (1756)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## КИЧИК КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

***Оҳангаронлик тадбиркор Баҳодир Назиров катта йўл ёқасида автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи кичик корхона очди. Устахона ёнида озиқ-овқат дўкони, ошхона ҳам ишлаб турибди.***

- Баҳодирга ўхшаган тиниб-тинчимас тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда,- дейди туман тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Фазлиддин Салоҳиддинов. - Йилнинг ўтган етти ойи мобайнида яна 63 янги корхона очилди. Уларнинг 21 таси хусусий, кичик ва ўрта корхона, биттаси фермер, 41 таси деҳқон хўжалигидир.

Туманда кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан буён банклар томонидан 157 миллион сўмга яқин кредит ажратилди.

**(ЎзА)**

# МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

## ЯНА БИР ЯНГИ КЎПРИК

***Пойтахтимизнинг Амир Темур кўчасини кесиб ўтувчи Ҳусниддин Асомов ва Хидирали Эргашев номидаги кўчаларни ўзаро туташтирувчи замонавий кўприк қурилиши ниҳоясига етмоқда. Узунлиги 440, эни 28,3 метр бўлган мазкур маҳобатли иншоот Тошкент кичик ҳалқа йўлининг узвий қисмига айланади.***

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмасига мувофиқ қурилиш бош пудратчиси «Кўприкқурилиштрести»нинг 13-отрядидир. Кўприк лойиҳаси «Боштранслойиҳа» институти мутахассислари томонидан тайёрланган.

- Қурилишни шу йил феврал ойида бошлаган эдик, - дейди отряд раҳбари Абдулла Юсупов ЎзА мухбирига. - Маҳаллий хомашё асосида тайёрланган пишиқ материаллардан тикланаётган янги кўприк икки йўналиш бўйича бир кеча-кундузда ўттиз мингта автотранспорт воситасининг узоғини яқин қилади. Бу эса пойтахт марказида автомобиллар қатнови тиғизлигини кескин камайтириш имконини беради.

Кўприк қурилиши учун салкам тўққиз миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозиргача объект қурилишида тўрт минг тонна металл, 16 минг куб метр темир-бетон маҳсулотлари ишлатилди. Олти юз нафардан кўпроқ кўприксоз иншоотни шу йил Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш учун уч сменада қизғин меҳнат қилаётир.

Айни пайтда кўприкда ёритиш устунлари, муҳофаза тизимлари, йўлаклар қурилиши ниҳоясига етиб, пардозлаш ишлари бошланди.







### ХОЛМЎМИН АКАНИНГ ҲИММАТИ

«Энг мурувватли қўшни» республика кўрик-танлови ғолиби Холмўмин Саидов Сурхон воҳасининг таниқли тадбиркорларидан. У Қумқўрғон туманидаги «Ғишт» хусусий корхонасининг раҳбари. Корхонада ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари воҳадаги ўнлаб турар-жой ва маъмурий биноларда ишлатилган.

Х.Саидов тумандаги болалар спорти мажмуига ўз корхонаси ҳисобидан 12 миллион сўмлик қурилиш материаллари ажратди. Ёнбош қишлоғи «Навбаҳор» маҳалласидаги тўрт километрлик йўл ҳам унинг ҳисобидан таъмирланди. Қишлоқни кесиб ўтган каналга қурилаётган кўприк ва лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик қишлоқ врачлик пункти қурилишига ҳам тадбиркорнинг ўзи бош-қош.

*Зарбдор қурилишларда*

***Наманган–Тошкент йўлидан юриб колсангиз, Тўрақўрғон тумани ҳудудидан ўтмасингиздан ҳар икки томонда бири иккинчиси устига мингашган ва тоғлар билан беллашгандек айрим жойларининг баландлиги уч юз, тўрт юз метргача юксалган адирликларга кўзингиз тушади. Шу ердан бошланган адирликлар бора-бора Фарғона водийси билан Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри оралиғидаги осмонўпар тоғларга туташиб кетади.***

## ВОДИЙНИНГ БЎЛАЖАК СУНЪИЙ ДЕНГИЗИ

Бундан бир йилча муқаддам пойтахтдан хизмат сафари билан қайтаётиб, Резаксой кўпригидан ўтаётганимизда:

– Бир-икки йилдан сўнг бу жойларни танимай қоласиз. Ҳув, анави адирликлардан бошлаб (гапираётган шеригимиз қўли билан чап томондаги, анча наридаги баланд адирликни кўрсатди) сув омбори ҳосил қилинади. Ушбу сув омбори ҳозир биз бораётган жойдан энига 500-600 метр кенгликда узунасига Сирдарё қирғоқларига қадар ўн чақиримга чўзилади. Унинг устида чағалайлар ва бошқа ўнлаб турдаги сув қушлари чарх уриб ажойиб манзара ҳосил бўлади. Йўл тепасида, ҳар икки адирлик оралиғида замонавий темирбетон кўприк қурилади, – деб қолди.

Бу сўзлар автомобилдаги бошқа шерикларимизни танг қолдирган эса-да, мен учун янгилик эмас эди. Негаки, ўтган йил куз ойларида худди шу ердан бешолти чақирим наридаги узумчилик тажриба хўжалигига йўлим тушганида унинг раҳбари шу ҳақда айтиб берган, яқин вақт ичида уларнинг мўъжазгина посёлкалари гавжумлашиб, бўлажак сув омбори муносабати билан шаҳарчага ҳам айланиб кетиши эҳтимоли борлигини ғурур билан таъкидлаган эди. Қайтаётганимда ер тузувчи муҳандисларни, гидрогеолог мутахассисларни учратиб бунга ишонч ҳосил қилгандим. Хуллас, анчагача суҳбатимиз шу ҳақда борди.

– Буям мустақиллигимиз шарофати, – деди бу мавзудаги суҳбатимиз охирларкан шерикларимиздан бири. – Мутахассисларнинг гувоҳлик беришларича, агар сув омбори қурилиши тугаллан-са, Фарғона водийсидаги неча юзлаб гектар янги ер ўзлаштирилади, дастурхонимиз янада тўкинлашади.

Бу ўринда нима учун бутун водий миёқсида сўз юритиляпти, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, қиш ойларида Сирдарё ўзани тўлиб-тошиб оқади. Кейинги йилларда шундай кезлар ҳам бўляптики, дарё соҳилида ва унинг яқинида жойлашган қатор хўжаликлардаги ўнлаб гектар экин майдонларини сув ювиб кетяпти, экинга оби-ҳаёт ғоят зарур бўлган пайтларда эса сув етказиб бериш азобга айланмоқда. Ниҳоят Республика ҳукумати бу муаммони ҳал этиш юзасидан махсус қарор қабул қилди.

Шу тариқа ўтган йилнинг октябр ойида ушбу иншоот биринчи навбатини бунёд этиш учун мамлакатдаги энг йирик қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер танлови ўтказилди ва унда сув омборлари қурилиши бўйича катта тажриба тўплаган «Туполангсув ГЭС қурилиш» масъулияти чекланган жамияти ғолиб чиқди. Ноябр ойида мазкур жамият 220 кишилик жамоа билан иш бошлади. Энг аввало ўз маблағи ҳисобига ишчилар учун иккита ётоқхона, иккита коттеж типидаги турар-жой, ошхона, новвойхона, ҳаммом, тиббиёт пункти, омборхона, юзлаб техникага хизмат кўрсатиши мўлжалланган автогараж ва бошқа маданий-маиший аҳамиятга эга бинолар барпо этилди. Ўзбекистондаги энг йирик сув иншоотларидан бири бўладиган сув омбори биринчи навбати барпо этилиши учун мамлакат бюджетидан йигирма уч миллиард сўм маблағ ажратилди. Режага кўра иншоот тўғонининг дастлабки қисми баландлиги 48, узунлиги 1528 метр бўлади. Сув омбори биринчи навбатининг сув сиғими 50 млн. кубометрга етади. Қурилиш муддати 730 кун этиб белгиланди. Амалдаги йилнинг ўзида 11 миллиард сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда тўғон қурилишида етти юзга яқин ишчи, икки юздан ортиқ транспорт ва юздан зиёд турли машина ва механизмлар ишлатилмоқда. Қурилиш бош муҳандиси Абдували Шариповнинг айтишича, бажарилган тупроқ ишлари ҳажми 2,5 млд. кубометр ҳажмга яқинлашиб қолди. Бу ерда деярли барча вилоятлардан келган ва шу сингари йирик иншоотларда меҳнат қилиб ўзини кўрсатган, марказий осиёдаги катта тажриба орттирган сара қурувчилар иштирок этмоқдалар.

Тўғоннинг биринчи навбати қурилиши белгиланган муддатдан уч ой илгари битказилади. Бир жумла билан ифодалаганда, Марказий Осиёдаги шу типдаги йирик сув иншоотларидан бири бўладиган «Кенгкўлсой» сунъий денгизи қурилишида иш тобора авжига чиқиб бормоқда.

Ҳа, 1-«Наманганқурилиш» акциядорлик жамияти бош пудратчи этиб тайинланган, Чортоқ, Косонсой, Уйчи туманлари қурувчилари кўмаклашаётган, «Обод» қурилиш-сервис ташкилоти ва 6-механизациялашган кўчма жамланма техник жилов қоплари ҳам куч-ғайрат сарфлаётган бўлажак сув омбори битса, Сирдарёнинг қиш ойларида қирғоқларидан тўлиб-тошиб чиқадиган сувлари унинг соҳилида жойлашган экинзорларга, қишлоқлар аҳолисига ортиқча хавф сола олмайди. У қудратли насослар ёрдамида сўриб олиниб, сув омборига қуйилади, бу эса асрлар бўйи қақраб ётган адирлик ва даштликларни обод этишга, сув танқислигини бартараф қилишга ёрдамлашади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бир Фармон шарофати*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони жойларда фермерлик ҳаракатини, шу асосда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада жойларда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ер майдонлари аста-секин ҳақиқий эгалари қўлига ўтаяпти.***

## ЕР МАЙДОНЛАРИ ҲАҚИҚИЙ ЭГАЛАРИГА

Ана шундай фермерлардан бири, ердан омилкорлик билан фойдаланиб, ҳосилдорликни, ундан олинадиган даромадни муттасил ошириб келаётган Абдурасул Бобожоновдир. У бош бўлган жамоа Бекобод туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги ҳудудида меҳнат қилади.

1999 йилда 10 гектар майдонда фермерлик ҳаракатини бошлаган Абдурасул оила аъзолари билан биринчи йили 6 гектар майдонга чигит қадади. 4 гектар ерга буғдой экди. Пахта ҳосилдорлиги 35 центнерга, бошоқли дон 50 центнерга етказилди. Биринчи йили қилган меҳнатлари эвазига 1 миллион сўм соф фойда олишга эришдилар.

– Дастлабки йилда, – дейди фермер, – ерларни текислаб, йўл ёқаларини тартибга келтирдик. Ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, маҳаллий, об-ҳаво шароитига мослаб олиб бориш катта самара бериши деҳқончиликда муҳим ўрин тутади. Тажриба яна шуни кўрсатяптики, териб олинган пахта имкони борича биринчи навга топширилишига эришиш зарур. Даромаднинг мўмай қисми ана шундан келади.

Фермер Абдурасул Бобожонов шу билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Орттирган маблағи ҳисобидан яна қўшимча даромад олиш манбаи сифатида ёқилғи қуйиш шохобчаси қурилишини тугаллаяпти. Шохобча ёнидаги ташландиқ ерга ҳаммом, сауна, чойхона, сартарошхона ва дўкон қуриб, ҳамқишлоқлари ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳаракатида юрибди.

Фермер хайрия, саховат ишларидан ҳам четда қолмаяпти. Бу йил ўз қишлоғидаги мактабни таъмирлашга қурилиш ашёлари билан кўмак берди. Кам таъминланган учта оила фарзандларининг олий ўқув даргоҳида ўқиб, касб эгаси бўлишлари учун уларни маблағ билан таъминлаб турибди.

**Темур ҲАЙДАРОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ АХБОРОТИ

2004 йил 30 июл куни Тошкент шаҳрида соат 16.45-17.00 да уч жойда портлаш рўй берди. Улар АҚШ, Исроил элчихоналари ва Ўзбекистон Бош прокуратураси бинолари олдида ўзини ўзи портлатган террорчилар томонидан содир этилди. Оқибатда икки киши ҳалок бўлди. Тўққиз киши жароҳатланди. Улардан иккитасининг аҳволи оғир. АҚШ ва Исроил элчихоналарининг бинолари зарар кўрмади. Бош прокуратура биносининг кириш жойига зарар етди.

Ўзини ўзи портлатган террорчиларнинг шахси аниқланмоқда. Улардан бирининг ёнидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида тегишли идора ва хизматлар раҳбарларидан иборат Ҳукумат комиссияси тузилди. Тергов ишлари бошланди. Террорчиларнинг шахси ва уларнинг алоқаларини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айни пайтда элчихоналар ва бошқа муҳим объектларни қўриқлаш, террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган чоралар кучайтирилди.

## РАСМИЙ АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган Ҳукумат комиссиясининг биринчи мажлиси 2004 йил 30 июл куни соат 20.00 да бўлди. Унда тегишли хизматлар ва идораларнинг содир этилган портлашлар билан боғлиқ фактларнинг таҳлили ҳамда уларни текширишга оид аниқ чоралар тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Батафсил ва чуқур текширувни амалга ошириш, террорчилик ҳаракатларининг сабаблари ва ижрочиларини аниқлаш юзасидан ҳаракат режаси қабул қилинди.

Ҳукумат комиссияси террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади. Жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳукумат комиссияси республика аҳолисини ҳушёрликка ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатишга даъват этади.

**(ЎзА)**

*Муносабат*

***Жорий йилнинг 30 июл куни Тошкент шаҳрида ёвузлар томонидан уч жойда портлаш содир этилганлигини эшитиб, ғазабдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим.***

## ХАЛҚ ИРОДАСИ БУКИЛМАС

Яна осойишта кечаётган ҳаётимизга раҳна солишга урунишди. На бугунини, на эртасини ўйламаган калтабин кимсалар қайсидир ковакда пайт пойлаб пусиб ётган ғаламисларнинг қутқусига учиб, оғир гуноҳни зиммаларига олдилар. Тинчгина ишлаб юрган бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва ҳеч қачон таҳликага тушмаган. Аксинча ҳамкору ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаб, Президентимиз атрофига маҳкам жипслашиб, ҳушёрликни ўн чандон ошириб ёвузларга қарши қақшатғич зарба берган. Халқ тавқи-лаънатига учраган ярамас кимсалар шуни билиб қўйсинки, ҳеч қачон шум ниятига етолмайди.

Озодлик нашидасидан баҳра олиб, улуғвор режалар билан яшаётган фидокор элни чўчитишга умид боғлаётганларга айтадиган сўзим битта: хомтама бўлманг, ўзингиз қазиган чоҳга албатта, ўзингиз тушасиз. Халқимиз иродаси букилмасдир!

**Жаббор бобо НОДИРМАТОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Тошкент шаҳри**

***Мамлакатимизда инвесторлар, айниқса тўғридан-тўғри сармоя киритиш истагидаги сармоядорларга фаолият юритиши учун барча зарур шароит яратилган.***

### ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Универсал бетон қолиплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «CA Paschal Fozms LTD» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ечилиши содда ва ўта қулай опалубка дастгоҳларини Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги қурилиш ташкилотларига етказиб беришни йўлга қўйган эди. Энди бундай маҳсулот Болтиқбўйи мамлакатларига ҳам экспорт қилина бошланди.

Бетон қуйиш қолиплари замонавий ва анъанавий меъморий кўринишдаги бино ва иншоотларни қуришда қўл келиши билан хорижлик мижозларга манзур бўлмоқда.

# СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг баҳорида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва кўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни давом этмоқда. Суд жараёнига Ўзбекистон Рэспубликаси Олий суди раиси ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.***

Судланувчилар дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Тўрт кун давомида судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Казакбаев, М.Мирзакулов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, А.Зулпикаров, Қ.Сохоталиев, Ж.Нигманов, Ё.Умаров, Ҳ.Ишматов, Ў.Ҳамроев, Е.Асланов, К.Қаюмова, И.Тошпўлатованинг жиноят иши юзасидан кўргазмалари тингланди.

Судланувчиларнинг иқроридан маълум бўлдики, 2000 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри, Бухоро, Тошкент вилоятларида террорчиликнинг хавфли диний-экстремистик турига киритиш мумкин бўлган бир қанча «Жамоат» гуруҳлари ҳаракат қилган.

«Жамоат» аъзолари онгига зарарли мафкурани сингдириш учун яширин ҳолда чиқарилган кўплаб аудио, видео ва матбаа маҳсулотлари, лазерли дисклардан кенг фойдаланилган. Бундай маҳсулотларда юртимизда конституциявий тузумни куч билан ағдариб ташлаб, «Ҳалифалик» ташкил қилиш мақсадида ислом давлати ташкил этишга оид ғоялар тарғиб қилинган.

Жиноий тўда бошлиғи Н.Жалолов Ўзбекистондан ташқарида туриб, «Жамоат»лар фаолияти ва уларнинг халқаро экстремистик ташкилотлар билан алоқаларига, ушбу гуруҳлар аъзоларининг махсус лагерларда жанговар тайёргарликдан ўтишини молиялаш ҳамда таъминлашга умумий раҳбарлик қилган ва мувофиқлаштириб турган.

Айбланувчилар томонидан ушбу ёвузликлар уюшган ягона жиноий марказ орқали бошқариладиган жиноий гуруҳ томонидан содир этилганлиги ишончли далиллар асосида айтиб ўтилди. Мазкур гуруҳ аъзоларининг аксарияти республикамиздан ташқарида жанговар тайёргарликдан ўтган. Уларнинг иқрор бўлишича, Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари халқаро террорчилик ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланган.

Суд жараёнида ушбу жиноий тўда аъзоларининг ёвузликларига оид бошқа фактлар ҳам очилди. Масалан, жиноий тўда аъзоларида кўплаб ўқотар куроллар ва ўқ-дорилар, қўлда тайёрланган портловчи мосламалар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган таркибий қисмлар ва қўлланмалар, диний адабиёт ва варақалар, сохта ҳужжатлар, шунингдек, бошқа ашёвий далиллар бўлган. Айбланувчи Ў.Ҳамроевнинг айтишича, у Бухоро вилояти Ромитон туманида Н.Раззоқовнинг хонадонида қўлбола портловчи мосламаларни уй шароитида ёрдамчи материаллардан тайёрлашда кўмаклашган.

Суд мажлисининг бешинчи куни ўндан зиёд жабрланувчи жиноят иши юзасидан кўргазма берди.

Суд жараёни давом этмоқда.

**(ЎзА)**



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Чустий таваллудининг 100 йиллигига*

## ЭҲТИРОМ

***Ўзбек адабиёти ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ўзбек классик шеъриятини ривожлантирган, ўзбек ва тожик тилларида баравар ижод қилган шоир Чустий (Набихон Хўжаев)ни ким ҳам билмайди, дейсиз? Лекин ана шундай буюк инсон тоталитар шўро тузуми даврида рўшнолик кўрмади. Шоир номига қора тортилди. Шукурларким, истиқлолдан сўнг шоир номи улуғланмоқда, асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда.***

Яқинда шоир туғилиб ўсган Чуст шаҳрида Чустий таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Наманган вилояти ва Чуст тумани ҳокимликлари вакиллари, адабиёт ихлосмандлари иштирокида тантана бўлди. Шаҳар истироҳат боғидаги шоир бюсти остига гулдасталар қўйилди. Сўнг қабри зиёрат қилиниб, Қуръон тиловат қилинди. Бибиона зиёратгоҳида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-илмий конференция бўлиб ўтди. Унда академик Азиз Қаюмов, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, шоир Ҳусниддин Шарипов ва бошқалар Чустий ҳақидаги хотиралари, асарларининг бадиий қиммати ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Тадбир таниқли санъат усталари чиқиши билан якунланди.

**О.НАЗАРОВ**



## ЙЎЛСОЗЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТИ



«Хоразмавтойўл»га қарашли корхона ва ташкилотларда ишловчилар маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳр-мурувват билан қуршаб олинган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида ижтимоий ҳимоя тадбирларига 16.959 минг сўм ажратилгани ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Ишчи-хизматчиларга ҳар кунги иссиқ овқат учун 850 сўмдан маблағ ажратилган. Улар транспорт воситаларидан ҳам бепул фойдаланишлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 12 нафар йўлсоз сиҳатгоҳ ва оромгоҳларда дам олдирилди.

Корхонада ҳар бир ходим спортчи ҳисобланади. Ўтган йили Бухоро шаҳрида ўтказилган республика автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимларининг «Саломатлик» спартакиадасининг минтақавий мусобақаларида хоразмлик йўлчилар енгил атлетика ва тош кўтаришдан биринчи, волейбол, теннис, футбол ва оилавий мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллашди.

**Суратларда: Автойўлчилар ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

*Газетхон танлаган мавзу*

## МУСИҚА ЎЗ ЎРНИГА ТУШСА...

***Борлиққа оқшом қуюлди. Соғинч ҳисси қачондир етказилган озорни эслатди. «Ойнаи жаҳон»дан «Қиш сонатаси» номли фильм намойиши бошланди. У табиатга, ёғаётган қорга ва кўнгилдаги сокин туйғуларга ҳамоҳанг эди.***

Телесериал бошдан оёқ лирикага йўғрилган. Асар мазмуни ғоятда қизиқарли, айниқса унга басталанган мусиқа, янграётган қўшиқлар ҳар қандай тош юракни ҳам сим-сим эритади... Шунда санъатнинг сеҳрига, истеъдоднинг мўъжизасига қойил қолдим. Энди билсак, асарни асар қиладиган нафақат унинг сюжети, балки унга басталанган мусиқа ҳам экан. Корея кино ижодкорлари тасвирга туширган «Ёз ифори», «Қалбим чечаги», руслар суратга олган «Ишдаги ишқ», «Кавказ асираси», «Қушдек енгил бўлинг ёхуд тақдир ҳазили», «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради», «Омад ҳар доим ҳам келавермайди», «Москва кўз ёшларга ишонмайди» ҳамда ўзимизнинг «Маҳаллада дув-дув гап», «Ёр-ёр», «Мафтунингман», «Ўтган кунлар», «Чинор остидаги дуэл» ва шунга ўхшаш қатор фильмлар, уларга басталанган мусиқалар ҳақида истаганча тўлиб-тошиб гапириш мумкин.

Бироқ гуручнинг курмаги бўлганидек палапартишлик ва шошма-шошарлик билан ишланаётган ва уларга мусиқа басталанаётган фильмлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Абдуллажон», «Темир хотин», «Ёдгор», «Беллини» ва бошқа шунга ўхшаш фильмлар фикримизнинг далилидир.

«Абдуллажон» фильмида ҳикоя қилинишича, ерга ўзга сайёрадан бир бола тушади. Ерликларнинг бири унга ота тутиниб, боланинг исмини «Абдуллажон» деб атай бошлайди. Фильм-фантастика жанрида. Қизиқарли эпизодлар ҳам йўқ эмас. Лекин, айрим ўринларда таралган куй фильм руҳига мос эмас. Мисол учун Абдуллажоннинг янги ерлик акасини армия сафидан қайтариб олиб келиш, ерлик отаси билан тепалик устида дардлашиши, сўнг ўз сайёрасига кетиши эпизодларига ишланган мусиқа ўз ўрнида ишлатилмаган. «Темир хотин» фильмида эса бош қаҳрамон Қўчқор билан темир хотин Аломат суҳбати берилган эпизод пайтидаги мусиқа асар руҳига сингмаган. «Ёдгор» фильмига басталанган мусиқани ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Айниқса, «Беллини» фильми ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Институтнинг 2-курсида ўқирдик. Ўқув театримизда «Беллини» номли янги ўзбек бадиий фильми намойиш этилаётганлигини эшитдик. Ёшликнинг ўз шукуҳи бор. Барча режадаги ишларга қўл силкиб, курсдошлар биргаликда кино кўргани югурдик. Чироқ ўчди. Экран ёришиб, фильм бошланди. Қизиқишимиз беҳад кучли эди. Берилиб экранга кўз тутдик. Афсус, пировард сабримиз фильмнинг ярмини кўришга етди. Ортиғига кучимиз етмади. Сабаби, кино биз кутгандек эмас эди. Унга шундай шовқинли фожиавий мусиқа ишланган эдики, у бизни томошадан бездирганди. Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўринсиз басталанаётган мусиқалар фақат кинодагина эмас, балки спектаклларда, ҳатто публистик эшиттириш ва кўрсатувларда ҳам кўзга тушган чўпдек ғашга тегаяпти. Айниқса, театрларимиз саҳнасидан ўрин олган, тарихий спектаклларнинг деярли барчасида бу қусур сезилиб турибди. Тарихий асарларга танланаётган мусиқалар ҳаддан ташқари тантанавор ва дабдабалидир. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Ахир олис тарихда ҳам оддий одамлар яшаган. Даҳо фикрли аждодларимиз ҳам оддий кишилар бўлган. Оддийликнинг ўзи улуғворлик эмасми? Шундай экан, ортиқча бўрттириш, идеаллаштириш шартмикан?..

Боя таъкидлаганимиздек радио эшиттиришлар ва телекўрсатувларга танланаётган мусиқалардан ҳамиша ҳам кўнгил тўлавермайди. Масалан, «Ўзбегим таронаси», «Гранд», «Сезам» ва шунга ўхшаш қатор эшиттиришларни мириқиб эшитиш қийин. Талай кўрсатувларда танланган мусиқа ўз ўрнига тушмайди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. Назаримда, бу соҳада тер тўкаётган фидойи бастакорлар масалага жиддий ёндошиб, санъатнинг бу муҳим жабҳасида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида бафуржа маслаҳатлашиб олсалар ёмон бўлмасди.

**Азиза ҚОРАБОЕВА, санъатшунос**

*Осиё – 2004*

## ҲИМОЯ. ҲУЖУМ. ҒАЛАБА

### афсуски, чорак финалда бу тактика ўзини оқламади

***Бир пайтлар бразилиялик футболчилар: «Бизга қанча гол уришса уришаверсин, биз барибир уларнинг дарвозасига кўпроқ тўп киритамиз», дея мақтанишни яхши кўришарди. Йиллар ўтиб ҳовурдан тушиб, ўйнаб гапирсалар ҳам ўйлаб гапирадиган бўлиб қолишди. Сабаби замонавий футбол фақат ҳужумдан иборат эмаслигини даврнинг ўзи тасдиқдан ўтказди.***

Осиё чемпионатида қайси жамоа танлаган тактика зафар шоҳсупасига элтади? Уч ҳафтаки, ана шу саволга жавоб излаймиз. Маълум маънода жавоб олдик ҳам. Гуруҳ баҳсларида фақат Ўзбекистон миллий терма жамоаси 100 фоизлик натижага эришди. Уч ўйин – уч ғалаба! Ҳатто буни Япония, Жанубий Корея ва Хитой каби жамоалар такрорлай олишмагани Р.Ҳайдаров ва Ю.Гёде тандеми футболчиларни майдонда арқонни узун ташлаб ҳаракатланишга, яъни аввал ҳимояни ўйла, сўнг ҳужумга отлан, деган ақидага амал қилган ҳолда интилишга даъват этаётганидан далолат беради.

Очиғи, бу тактика шу пайтгача панд бермади. Хўш, чорак финалда Баҳрайн билан кечадиган ўйинда у яна қўл келадими ёки...

Ушбу учрашувни кузата бошлаганимиз ҳамоноқ беихтиёр терма жамоамиз бош мураббийи Р.Ҳайдаровнинг хорижий спорт журналистларига берган интервьюсида «Хитойда узоқроқ қолишни хоҳлаймиз» деган сўзлари яна қулоқларимиз остида акс садо бергандек туюлди. Демак, шунга яраша ўйин намойиш этиш даркор: мустаҳкам ҳимоя, самарали ҳужум ва ғалаба!

Учрашув айтиш мумкинки, кутилганидек юртдошларимизнинг ҳужуми билан бошланди. Дастлабки дақиқаларданёқ Баҳрайн дарвозаси олдида гол учун қулай вазиятлар юзага келди. Аввал Шишелов, сал ўтмай Копадзе мўлжални олишда хатоликка йўл қўйишди.

Футболда ёзилмаган қоидалар кўп. Тенг кучга эга жамоалар ўзаро баҳсга киришганда устунликни таъминлаш қийин кечади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Аста-секин ўйин жилови арабларга ўтди. Евгений Сафонов дарвозаси бир неча марта қамалга учради. Бу ҳол биринчи бўлим охирларигача давом этди.

Ҳайриятки, иккинчи бўлимда ҳаммаси жойига тушди. Майдонда ҳам шаклан, ҳам мазмунан тенглик юзага келди. Гўё оловга қўйилган чойнакдаги сув буғланиб қайнамоққа бошлаган, энди тошиб чиқишини кутишгина қолган эди. Шундай бўлди ҳам. Александр Гейнрих томонидан чиройли тарзда амалга оширилган жарима тўпи Баҳрайн термаси дарвозасидан жой олди. Ҳисоб очилди – 1:0.

Осиё чемпионатида ўтказилган аввалги уч учрашув ҳам худди шундай ҳисоб билан терма жамоамиз фойдасига тугаганини барчамиз биламиз. Чамаси бу гал ҳам шундай бўладигандек эди. Боз устига Гейнрих яна бир қулай вазиятга чиқди, аммо тўп дарвоза устунига тегдию, тўрга бориб тушишни хоҳламади. Агар шу зарба ҳам голга айлангандами!..

Айтиш мумкинки, ҳаммаси шундан кейин бошланди. Футболда мавжуд «сен урмасанг, сенга уришади», деган ёвуз қоида ўзини эслатди. Жуда қисқа фурсат оралиғида Баҳрайн футболчилари икки голга муаллифлик қилишди. Ҳисоб – 1:2.

Наҳотки ютқазсак?! Йўқ, иккинчи тайм тугашига саноқли дақиқалар қолганда Қосимов – Шишелов комбинацияси дарвозани ишғол қилиш билан якун топди – 2:2. Мана буни драматик ҳолат деса бўлади!

Чорак финалда, маълумки, дуранг бўлиши мумкин эмас. Ҳар бири 15 дақиқадан иборат икки кичик тайм белгиланди. Ва... Миржалол Қосимовнинг «Биз бу кунни ўн йил кутганмиз» дея айтган умидбахш гаплари саробга айланди. Ҳар иккала кичик таймда устунликка эришган бўлсада, футболчиларимиз ҳисобга тузатиш кирита олишмади. Пенальтилар сериясида эса омад биздан очиқчасига юз ўгирди.

Улоқ баҳрайнликларда кетди. 1994 йилги Хиросимада қўлга киритилган ғалабани қайтаришнинг иложи бўлмади.

Бу – футбол. Футболда ҳар нарса юз бериши мумкин. Мағлубият кетидан албатта муваффақият келади. Шундай бўлган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ишониб, умид билан яшашга нима етсин...

**З.РИХСИЕВ**

**Мухлислар ён дафтарига:**

Хитой - Ироқ -3 : 0

*Турфа олам*

## ЕР МОЙИ

Қадимги Шарқдаги муҳорабаларда палахмонга одатда тош қўйилган. Кейинроқ, баъзи ерларда тош чоғроққина махсус сопол идиш билан алмаштирилди.

Унинг ичидаги суюқлик ёндирилар, сўнгра идиш палахмондан душман қароргоҳига отиларди. Ёниб борувчи сирли «тош» тушган ерни бир зумда аланга қопларди. Бу идишдаги ёнувчи суюқлик эса оддий нефт эди.

«Нефт» аслида арабча сўз бўлиб, «қорамой» ёки «силжиб юрувчи суюқлик» деган маънони билдиради. Археологик маълумотларга кўра, инсоният нефтдан 7 минг йилдан бери фойдаланиб келади. Дастлаб Месапотамияда Фрот дарёси қирғоқларидан олинувчи нефтдан асфальт тайёрланган. Шу дарё мансабидаги Ур шаҳрида нефт смоласидан цемент ўрнида фойдаланилган. Мисрда нефт мурдаларни мўмиёлашда ишлатилган.

## ИНСОН – МАШИНА – МУҲИТ

Ахборотни тўлиқ олиш ва замонавий усулларда қайта ишлаш даврнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Бу масала билан «эргономика» деган фан ҳам яқиндан шуғулланмоқда. Мазкур янги фаннинг истиқболлари катта.

«Эргономика» юнонча «эргос» – «инсон» деган сўзни ифодалайди. Бу билан «инсон – машина – муҳит» комплексида инсон мавқеи биринчи ўринда эканлигини таъкидлаш кўзда тутилган бўлса керак. Ушбу комплексда ўзаро мутаносиблик муҳим. Машинага нисбатан бўлган эргоник талаблар маромлаштирилмоқда. Инсон вужудига зиён етказмайдиган ёруғлик даражаси, ҳарорат, намлик, шовқин, босим, радиация, титраш каби ҳодисалар меъёрига туширилади. Бу талабларга оид тўлиқ ахборотни олиш ва ўрганиш нафақат инсонга зарар етказмаслик, балки уни бир маромдаги зерикарли механик ишлардан умуман озод қилиш, унга фақат ижодий иш ва бошқариш вазифаларинигина қолдириш мақсадини ҳам кўзлайди.

**А.АЛИЕВ**

*Ўқидингизми, эшитдингизми?*

## ҚОСИМОВ — ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Ўзбек футболи юлдузи, миллий терма жамоамиз сардори Миржалол Қосимов айни кунларда Хитой «яшил майдон»ларида ҳал қилувчи паллага кирган қитъа чемпионатининг гуруҳ босқичидаги энг яхши футболчиси сифатида тан олинди.

Мусобақа ташкилий қўмитасининг расмий ҳамкори - «Titan sports» газетаси томонидан ташкил қилинган сўровнома якунлари асосида ана шундай хулосага келинди. Спорт журналистлари ўртасида ўтказилган ўзига хос ушбу сўровда ҳамюртимиз энг яқин таъқибчилари - Осиёнинг бир неча номдор футболчиларини ортда қолдирди. Бундан ташқари, М.Қосимов ҳозирча қитъа кубогида «Сименс» фирмаси томонидан кетма-кет икки бор махсус соврин билан тақдирланган ягона футболчидир.

## КЛИНСМАН - БОШ МУРАББИЙ

Германия терма жамоасининг Евро-2004даги муваффақиятсиз иштирокидан сўнг бош мураббий Руди Фёллернинг истеъфога чиққанлигидан хабарингиз бўлса керак. Яқинда терма жамоага янги бош мураббий тайинланди. Германия Футбол Иттифоқи мутасаддилари ҳамда Юрген Клинсман ўртасидаги музокаралар ижобий якунланиб, икки йиллик шартнома тузилди. Демак, Клинсман ЖЧ-2006 мусобақасининг охирига қадар «немис машинаси»ни бошқаради.

Дарвоқе, яқин кунлар ичида унинг ёрдамчилари номи ҳам маълум бўлади. Тахминларга кўра, бош мураббий ёрдамчилари - Хольгер Осиек ва Оливер Бирхофф бўлиши кутилмоқда.

## «ҚАНОТЛАР ЁДИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Ҳар йили август ойида мамлакатимизда «Пахтакор-79» хотира турнири анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам мусобақа ташкилотчилари - Ўзбекистон Футбол Федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Пахтакор» ФК томонидан турнирни юқори савияда ўтказиш мақсадида қизғин тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

«Кичик халқаро турнир» мақомини олган бу йилги турнирда 1989-90 йилларда туғилган ўсмирлардан ташкил топган 10 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб боради. Хусусан, Россия, Белорусь, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда туркманистонлик ёш футболчилар билан бирга Ўзбекистоннинг биринчи ва иккинчи жамоалари, шунингдек, шунга мос равишда «Пахтакор»нинг иккита клуби гуруҳларга бўлиниб беллашадилар. Ўйинлар 5 августда бошланиб, 10 августда ниҳоясига етади.

*Биласизми?*

«Маҳалла» ибораси кенг тарқалган. Луғавий жиҳатдан у «маҳал» сўзидан олинган бўлиб, «яшаш жойи» маъносини англатади. Бу ибора бошқа ҳудудларда, масалан Озарбайжонда – «маҳалла», Хорватияда-«маҳала», Македонияда-«маало» деб юритиб келинган.

## СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида «маҳалла» ибораси ўрнида «гузар» сўзи ишлатилган. Бухоро шаҳрида «маҳалла» (ёки «жариб») ибораси бошқа маънога эга бўлиб, Тошкентдаги «даҳа» ибораси ўрнида ишлатилган. Бинобарин, Бухоро маҳаллалари Тошкент даҳалари каби йирик шаҳарсозлик бўлинмаларига нисбатан қўлланилган.

Адабиётларда Хоразм маҳаллалари «элот» ибораси билан аталиб келинган. Манбаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, Хоразмда кичик шаҳарсозлик тизимлари «масжидқўм» дейилган. «Элот» сўзи масжидқўмнинг бўлагидир.

## НИМ ТАБАССУМ

**Фермер билан унинг ўғли ўлгудай ялқов экан. Бир куни тушликдан кейин улар ҳузур қилиб ялпайиб ётишипти.**

**– Менга қара, ўғлим, - депти отаси. – Ташқарига чиқиб қараб кел, ёмғир ёғаётганмикин?**

**– Ундан кўра итни чақириб, жунини ушлаб кўра қолинг, хўлми-қуруқлигига қараб билиб оламиз.**

* * *

*Бир савдогар шифокорга келиб, уйқусизликдан шикоят қилипти.*

*– Уйқусизликдан қутулишнинг қадимий усули бор – ўринда кўзингизни юмиб ётиб, бир сурув қўйни тасаввур қиласиз-да, уларни санашга ҳаракат қиласиз.*

*– Буни синаб кўрдим. Баттар бўлди.*

*– Нега?*

*– Қўйларни санаб бўлиб, поездга ортаман-да, шаҳарга олиб бориб қассобхонага топшираман. Кейин арзон сотиб қўйммадиммикан, деб эрталабгача изтироб чиқаман.*

* * *

**Тўйдан кейин бир ой ҳам ўтмасдан келиннинг тиши оғриб қолипти. Куёв уни тиш докторига олиб борипти. Доктор оғриган тишни кўрипти-да, уни бир йил олдин олдириб ташлаш керак эди, депти.**

**– Бир йил олдин! - дея хитоб қилипти эр хурсанд бўлиб. – Ундай бўлса хизмат ҳақини қайинотам тўлайди.**

* * *

*Тарвузи қўлтиғидан тушган йигит севган қизи турмуш қуриш ҳақидаги таклифини рад этганидан ўртоғига шикоят қилипти.*

*– Сен кўп хафа бўлаверма. Кўпинча қиз боланинг «йўқ» дегани «ҳа» дегани бўлади.*

*– Гап шундаки, у «йўқ» демади-да, «ахмоқ!» деди, холос.*

* * *

**– Биласизми, - деб бошлиқ танбеҳ берипти ялқов ходимга, – ҳали меҳнатдан ҳеч ким ўлган эмас.**

**– Биламан, лекин таваккалга не ҳожат! Мен биринчи қурбон бўлишни истамайман.**

* * *

*– Ичасанми?*

*– Йўқ.*

*– Чекасанми?*

*– Йўқ.*

*– Қимор ўйнайсанми?*

*– Йўқ.*

*– Аёллар билан юрасанми?*

*– Йўқ.*

*– Нима бало, бирорта ҳам нуқсонинг йўқм?*

*– Фақат битта нуқсоним бор.*

*– Қанақа нуқсон?*

*– Ёлғончиман.*

* * *

**Бир хонадондаги зиёфат вақтида меҳмонлар зерикиб кетишипти. Бир бурчакда эснаб ўтирган аёлни кўриб, меҳмон ундан сўрапти:**

**– Зерикдингизми?**

**– Жуда ҳам.**

**– Бирор ёққа ғойиб бўлайлик, бўлмаса?**

**– Кошки эди, лекин афсуски, иложим йўқ.**

**– Нега?**

**– Мен уйнинг бекасиман.**

* * *

*Бир одам ресторанга кирипти.*

*– Официант, жанжал бошланмасдан тезгина шўрва келтиринг.*

*Шўрвани ичиб бўлгач, депти:*

*– Энди жанжал бўлмасдан бифштекс олиб келинг.*

*Уни ҳам еб олгач, яна депти:*

*– Жанжал бошланмасдан, музқаймоқ олиб келинг.*

*Хўранда музқаймоқни еб бўлгач, официант суриштирипти.*

*– Қани, бир тушунтиринг-чи, қанақа жанжал бошланиши керак?*

*– Жанжал ҳозир бошланади-да! Гап шундаки, менинг бу овқатларнинг ҳақини тўлаш учун ҳемирим ҳам йўқ.*

«Ишонч» газетаси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳимберди Умаровга волидаи муҳтарамаси

**РУВАЙДО аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471   Буюртма Г— 817   1 2 3 4 5